

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 35

**МАВЗУ: ҚОРИНПАРДА. ҚОРИН БЎШЛИҒИ
АЪЗОЛАРИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

35-амалий машғулот (11-маъруза)

Мавзу: Қоринпарда. қорин бўшлиғи аъзоларининг топографияси.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга қоринпарданинг тузилиши унинг париетал ва висцерал варақларини бир-бирига ва ички аъзоларга муносабатини, шунингдек қорин бўшлиғи аъзоларининг топографиясини, унинг одам организмидаги аҳамиятини тушунтириш.

Вазифалар:

- қоринпардаги ҳосилаларнинг ўзбекча ва лотинча номларини ўргатиш
- қоринпарданинг йўналишида ҳосил бўлган ҳосилаларни ва унинг қорин бўшлиғи аъзоларига нисбатан жойлашишини кўрсатиш

Назарий қисм:

Талабаларни назарий ва амалий билимларини аниқлагач, ўқитувчи қоринпардани тузилишини, аъзоларга нисбатан жойлашиши, унинг висцерал ва париетал варақларини, қорин бўшлиғида жойлашган аъзоларга умумий тавсифнома бериб, жойлашишини тушунтириб беради.

қоринпарда (peritoneum) қорин бўшлиғи деворини ва унинг ичида жойлашган аъзоларни қоплаган сероз пардадир. У икки: қорин бўшлиғи деворини қоплаган париетал қоринпарда ва ички аъзоларни ўраган висцерал қоринпарда дан иборат. Бу икки варақ бир-бирининг узлуксиз давоми бўлиб эркакларда ташқи муҳит билан алоқаси бўлмаган (аёлларда бачадон найининг қорин тешиги орқали ташқи муҳит билан қўшилувчи) қоринпарда бўшлиғини ҳосил қилади. Бу бўшлиқ париетал ва висцерал қоринпарданинг ўртасида тор ёриқ шаклида. қоринпарда билан қорин девори ўртасида таркибида ёғ тўқимаси бўлган қоринпарда ости қатлам бор. Бу қатлам ҳамма ерда бир хил эмас. Диафрагма соҳасида у бўлмай, қориннинг орқа деворида яхши ривожланиб буйрак, буйрак усти беши ва бошқа аъзоларни ўраб туради. қоринпарда қорин бўшлиғи деворидан аъзоларга ёки аъзолардан аъзоларга ўтиш жойларида бурмалар, бойламлар, чуқурчалар, тутқичлари ҳосил қилади.

қориннинг олдинги деворини қоплаган париетал қоринпарда юқорига диафрагманинг пастки юзасига ўтади. Диафрагманинг пастки юзасидан қоринпарда жигарнинг ўроксимон бойлами, тожсимон бойлам, ўнг ва чап учбурчакли бойламларни ҳосил қилиб жигарга ўтади. қоринпарда олд томондан жигарнинг ўткир қиррасини, орқа томондан орқа қиррасини айланиб ўтиб, унинг висцерал юзасини қоплайди. Ўнг бўлақдан қоринпарда ўнг буйракнинг юқори учига жигар-буйрак бойлами ҳосил қилиб ўтади. Жигар дарвозасидан эса қоринпарданинг икки варағи-дупликатураси (биттаси дарвозага жигарнинг пастки юзасини олд томонидан, иккинчиси

орқа қисмидан) меъданинг кичик эгрилигига жигар-меъда бойлами ва ўн икки бармоқ ичакнинг юқори қисмига ҳосил қилиб ўтади. Бу иккала бойлам бир-бирининг давоми бўлиб, биргаликда кичик чарви деб аталади. Меъданинг кичик эгрилигида жигар-меъда бойлами яна икки вараққа ажралиб меъдани олдинги ва орқа деворини қоплаб меъданинг катта эгрилигида улар яна бирикади. Сўнгра кўндаланг чамбар ичак ва ингичка ичак қовузлоқлари олдидан пастга тушиб катта чарвининг олдинги варағини ҳосил қилади. Унинг меъда катта эгрилиги билан кўндаланг чамбар ичак ўртасидаги қисми меъда-чамбар ичак бойлами деб аталади. Катта чарвининг қатлами маълум соҳада орқага қайрилиб, унинг орқа варағини ҳосил қилади. Кўндаланг чамбар ичакка етиб боргач, катта чарвининг орқа варағи кўндаланг чамбар ичакнинг чарви тасмаси ва унинг тутқичига бирикади. Кўндаланг чамбар ичакнинг тутқичидан юқорида бу варақлар париетал қоринпардага ўтиб, меъда ости безини олд томондан қоплайди ва қорин бўшлиғини орқа деворига ўтиб кетади. Катта чарвининг олдинги ва орқа варақлари ўртасида ёғ клетчаткаси бўлади.

қоринпарданинг меъда катта эгрилигидан чиққан икки варағи чапга талоқ дарвозасига йўналиб меъда-талоқ бойламини меъданинг кардиал қисми билан диафрагма ўртасида меъда-диафрагма бойламини ҳосил қилади.

қорин олдинги деворини қопловчи париетал қоринпарда киндик билан қов ўртасида 5 бурма: тоқ ўрта киндик бурмаси жуфт ички ва ташқи киндик бурмалари ҳосил қилади. Ёрта киндик бурмасида ҳомиланинг сийдик йўли, ички киндик бурмасида битиб кетган киндик артериялари, ташқи бурмада эса пастки қорин усти артериялари жойлашади. қовуқ устида ўрта киндик бурмасининг ён томонларида ўнг ва чап қовуқ усти чуқурчалари, ички ва ташқи бурмалар ўртасида ички чов чуқурчалари жойлашади. Ташқи бурмадан ташқарида ташқи чов чуқурчаси бўлиб, унга чов каналининг чуқур тешиги тўғри келади. қориннинг олдинги деворини қоплаган қоринпарда ён томонга йўналиб ўнг томондан қориннинг орқа деворига ўтиб, кўричак ва чувалчангсимон ўсимтани ҳамма томондан ўраб унинг тутқичини ҳосил қилади. қоринпарда кўтарилиувчи чамбар ичакни олд ва ён томондан ўраб, ўнг буйракни пастки қисмини олдинги юзасидан ўтади. Сўнгра ички томонга йўналиб бел квадрат мускули ва сийдик йўлидан ўтиб, ингичка ичак тутқичи илдизи олдида тутқичнинг ўнг варағига айланади. Тутқич илдизида унинг чап варағи қорин деворини орқа томонини қоплаган қоринпардага ўтади. Ингичка ичак тутқичи юқоридан пастга, чапдан ўнга II бел умуртқаси соҳасидан думғаза- ёнбош бўғимигача қия жойлашган. Унинг узунлиги 15-18 см, тутқичнинг эркин қисми илдизга бараварлашиш учун 18-20 та қовузлоқ ҳосил қилади. Тутқичнинг икки варағи ўртасида қон, лимфа томирлар ва нервлар ўтади. Сўнгра қоринпарда чапга томон чап буйракни пастки қисмини олдинги юзасидан ўтиб, пастга тушувчи чамбар ичакни уч: олд ва икки ён томондан қоплайди. Унинг пастки қисми сигмасимон ичакни ҳамма томондан ўраб унинг тутқичини ҳосил қилади. Кейин қоринпарда қориннинг ён деворидан олдинги деворига бурилади.

кориннинг орқа деворидан пастга йўналган коринпарда тўғри ичакни юқори қисмини ўраб қолмай, унинг ўрта қисмини ва сийдик-таносил аъзоларни ҳам қисман ўрайди. Эркакларда тўғри ичакни олдинги юзасини ўраган коринпарда тўғри ичак-қовуқ чуқурлиги ҳосил қилиб, қовуқнинг орқа, кейин устки юзасидан ўтиб кориннинг олдинги деворини қоплаган коринпардага давом этади. Аёлларда коринпарда тўғри ичакнинг олдинги юзасидан қиннинг юқори қисмини орқа деворига ўтади. Ундан юқорига кўтарилиб бачадонни орқасидан, сўнгра олдидан қовуққа ўтади. Бунда тўғри ичак билан бачадон ўртасида тўғри ичак-бачадон чуқурлиги, бачадон билан қовуқ ўртасида эса ҳосил бўлади.

коринпарда бўшлиғи шартли равишда икки қаватга бўлинади. Юқори қават юқори томондан диафрагма билан, пастдан кўндаланг чамбар ичак ва унинг тутқичи билан чегараланади. Юқори қаватда меъда, жигар ўт пуфағи билан, талоқ ва ўн икки бармоқли ичакнинг юқори қисми ва меъда ости беши жойлашади. коринпарда бўшлиғининг юқори қавати учта қопчага бўлинади.

Жигар қопчаси (*bursa hepatica*) ўроқсимон бойламдан ўнг томонда жойлашиб, унда жигарнинг ўнг бўлағи жойлашади. Бу қопчани юқоридан диафрагма, олдиндан ва ён томондан қорин девори чегаралайди.

Меъда олди қопчаси (*bursa pregastrica*) меъдани олдида жойлашиб, юқоридан диафрагма, ўнг томондан ўроқсимон бойлам, олдиндан қориннинг олдинги девори билан чегараланган. Унда жигарнинг чап бўлағи ва талоқ жойлашади.

Чарви қопчаси (*bursa omentalis*) меъда ва кичик чарвини орқасида ётади. Уни юқори томондан жигарнинг думли бўлағи, пастдан кўндаланг чамбар ичак тутқичи ва унинг чап бўлағи, олдиндан меъданинг орқа девори, кичик чарви, меъда-чамбар ичак ва меъда-талоқ бойламлари, орқадан чап буйрак усти беши, чап буйрак, меъда ости бешини олдинги юзаси, пастки қавак вена ва аортани қоплаган париетал қоринпарда. Чап томондан чарви қопчаси талоқ дарвозасигача бориб талоқ чуқурлиги ҳосил қилади. Чарви қопчаси ўнг деворидаги 2-3 см катталиқдаги чарви (Винслов) тешиги воситасида жигар қопчаси билан қўшилиб туради. Бу тешик юқоридан жигарнинг думли бўлағи, пастдан ўн икки бармоқли ичакнинг юқори қисми, олдиндан кичик чарви ва орқадан пастки қавак венани қоплаган париетал қоринпарда билан чегараланади.

коринпарда қорин бўшлиғи аъзоларини турлича ўрайди. Агар қоринпарда аъзоларни ҳар томондан ўраса, уларни интраперитонеал аъзолар деб аталади. Бундай аъзоларга: меъда, оч ва ёнбош ичак, кўр ичак ва чувалчангсимон ўсимта, ўн икки бармоқ ичакнинг бошланғич қисми, кўндаланг чамбар ичак, сигмасимон ичак, тўғри ичакнинг юқори қисми, талоқ, бачадон киради.

Агар қоринпарда аъзоларни уч томондан ўраса, уларни мезоперитонеал аъзолар деб аталади. Бундай аъзоларга: кўтарилувчи ва тушувчи чамбар ичак, жигар, тўғри ичакнинг ўрта қисми ва тўлган ҳолатдаги қовуқ киради.

қоринпарда аъзоларни бир томондан ўраса бундай аъзоларни экстраперитонеал аъзолар деб аталади. Уларга: меъда ости беши, ўн икки бармоқ ичакнинг пастга тушувчи қисми, тўғри ичакнинг охириги қисми, буйрак, буйрак усти беши ва сийдик йўли киради.

Янги туғилган чақалоқ ва эмизикли болада қоринпарда бўшлиғи катта бўлиб, унда жойлашган аъзолар юқори кўтарилган бўлади. Бола юрабошлаганидан сўнг диафрагма пастга тушиб, кўкрак қафаси аъзоларининг тез таракқий этиши натижасида қорин бўшлиғи нисбатан кичиради. Янги туғилган чақалоқда қоринпарда юпқа ва тиниқ.

Интерфаол усуллардан «ким кўп, ким чаққон» усулни қўллаймиз. Ушбу мавзу бўйича саволлар тайёрланиб, талабаларга берилади. Чаққонлигига қараб ва тўғри жавобларни сонига қараб талабалар баҳоланади.

1. қоринпарда нима?
2. Уни нечта варағи тафовут қилинади?
3. қоринпарданинг ҳосилалари нима?
4. Кичик чарви нима?
5. Катта чарви нима?
6. қорин бўшлиғида қандай халталар бор?
7. Жигар олди халтасини чегаралари қайси?
8. Меъда олди халтасининг чегаралари қайси?
9. Чарви халтасининг чегаралари қайси?
10. Винслов тешиги чегаралари қайси?
11. Чанок бўшлиғида қоринпарда нималар ҳосил қилади?
12. Эркаклар ва аёлларда қоринпарда йўналиши фарқлари?
13. қорин парда бўшлиғи қаерда?
14. қорин бўшлиғи нима?
15. Интраперитонеал аъзолар деганда нимани тушунаси?
16. Интраперитонал аъзолар қайсилар?
17. Мезоперитонал аъзолар дегани нима?
18. Мезоперитонал аъзолар қайсилар?
19. Экстраперитонал аъзолар деганда нимани тушунаси?
20. Экстраперитонал аъзолар қайсилар.
21. қорин парданинг хусусиятлари ва вазифаси?

Тест саволлари

1. қорин бўшлиғининг юқори қаватида қайси аъзолар жойлашади?
а. меъда, жигар, талок г. жигар, меъда, оч ичак, талок
б. ингичка ичак, талок, меъда д. меъда, жигар, талок, ёнбош ичак
в. ингичка ва йўсон ичак
2. ёнбош ичак қоринпарда билан қандай қўралган?
а. мезоперитонеал г. экстраперитонеал
б. ретроперитонеал д. бир томонидан

в. интраперитонеал

3. сигмасимон ичак қоринпарда билан қандай оғралган?

а. экстраперитонеал

г. ретроперитонеал

б. икки томонидан

д. интероперитонеал

в. мезоперитонеал

4. меъда қоринпарда билан қандай оғралган?

а. интроперитонеал

г. экстраперитонеал

б. мезоперитонеал

д. ретроперитонеал

в. уч томонидан

5. қоринларда нималарни оғрайди?

а. қорин боғлиғи деворини

б. қорин боғлиғи деворини ва аъзоларини

в. қорин боғлиғи ва кичик чанок аъзоларини

г. кўкрак қафаси аъзолари

д. кичик чанок аъзоларини

6. кичик чарвини қайси бойламлар ўосил қилади?

а. lig. hepatoduodenale, lig. falciforme

б. lig falciforme, lig teres hepatis

в. lig gastrophrenicum, lig triangulare

г. lig hepatogastricum, lig triangulare

д. lig hepatogastricum, lig hepatoduodenale

7. кўр ичак қоринларда билан қандай оғралган?

а. экстраперитонеал

г. интраперитонеал

б. икки томонидан

д. мезоперитонеал

в. бир томондан

8. жигар қоринпарда билан қандай оғралган?

а. бир томондан

г. интроперитонеал

б. икки томондан

д. экстраперитонеал

в. мезоперитонеал

9. қорин боғлиғининг юқори қаватида қандай қопчалар бор?

а. bursa omentalis, hepatica, bursa retrogastrica

б. bursa omentalis, bursa duodenojejunalis

в. bursa hepatica, bursa pregastrica, bursa omentalis

г. bursa hepatica, bursa iliocolica

д. bursa omentalis, bursa retrouterina

10.қоринпарда диафрагма билан жигар ортасида қандай бойламлар ўосил қилади?

- A. lig.falciforme, lig phrenicolienalis
- б. lig.triangularе, lig gastrolienalis
- в. lig.falciforme, lig coronarium hepatis
- г. lig,coronarium, lig,phrenicolienalis
- д. ligю triangularе hepatis, lig.hepatorenale

11. меъда олди қопчаси қаерда жойлашган?

- а. жигарнинг орқасида
- б. меъда билан талокнинг ортасида
- в. меъданинг олдида
- г. меъда билан жигарнинг ортасида
- д. диафрагманинг остида

Топшириклар:

1. қоринпардадаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини билиш
2. қоринпардадаги асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш
3. қоринпарданинг болалардаги хусусиятларини билиш
- 4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи: қоринпарда

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Мустақил иш: Талаба қоринпарданинг расмини чизиб, лотинча, ўзбекча, русча терминларни ёзиб келади. Мустақил ишга 0,8 балл берилади.

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба қоринпарданинг тузилишини ва унинг ички аъзоларга муносабатини, ундаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
		Талаба қоринпарданинг тузилишини ва

71-85	Яхши	унинг ички аъзоларга муносабатини, ундаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса.
55-70	қониқарли	Талаба қоринпарданинг тузилишини ва унинг ички аъзоларга муносабатини ва вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	қониқарсиз	Талаба қоринпарданинг тузилишини ва унинг ички аъзоларга муносабатини ва вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

1. қоринпарданинг умумий тузилиши қандай?
2. Кичик чарви нимади?
3. Катта чарви нимади?
4. қоринпарда қорин деворида қандай бурмалар ҳосил қилади?
5. Ичактутқич нимади ва қандай ҳосил бўлади?
6. қорин бўшлиғи юқори қаватида қайси аъзолар бор?
7. Чарви халтаси нимади?
8. Интраперитонеал аъзолар қайсилар?
9. Мезоперитонеал аъзолар қайсилар?
10. Экстраперитонеал аъзолар қайсилар?

Машғулотнинг таъминланиши

қорин бўшлиғи аъзолари ва қоринпарданинг расми.